2006 ЙИЛ, 17 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 33 (10.590)

Баҳоси эркин нархда

## ХХI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Тошкентда Жанубий Корея савдо ва инвестицияларни ривожлантириш агентлиги (КОТРА) ваколатхонаси томонидан ташкил этилган Ўзбекистон — Корея контакт биржасида икки томонлама ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди. Кореянинг кичик ва хусусий бизнес вакиллари учрашувда иштирок этган мамлакатимизнинг 25 та корхона ва хусусий сектор вакиллари билан ҳамкорлик қилишни режалаштиришди.**

**● Фарғонада Наврўз умумхалқ байрамига ҳамда 8 Март — Халқаро хотин-қизлар кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда бир-бири билан уйғун мазкур баҳор айёмларини юқори савияда нишонлаш учун ташкилий қўмита тузилиб, тегишли тадбирлар белгилаб олинди.**

**● Буюк шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 523 йиллиги муносабати билан Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат университетида тантанали кеча ўтказилди.**

**● Кеча миллий матбуот марказида Ўзбекистон ва Жанубий Корея кураш федерацияси раҳбарлари ўртасида учрашув ўтказилди. Унда ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, тажриба алмашиш, мураббийлар, ҳакамлар тайёрлаш, халқаро турнирлар ва ўртоқлик учрашувлари, семинарлар ўтказиш бўйича музокаралар олиб борилди. Ҳамкорликнинг илк меваси сифатида жорий йилнинг 29-30 март кунлари Кореяда халқаро учрашув ўтказишга келишиб олинди.**

**● Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига қарашли 8-мактаб-интернатда иқтидорли ўқувчиларнинг 1-республика илмий-назарий анжумани бўлиб ўтди.**

**● Тошкентдаги «Le Grande Plaza» меҳмонхонасида 30 мартдан 1 апрелгача Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ҳамда Адлия вазирлиги ёрдамида «Тўй — 2006» биринчи миллий кўргазмаси ўтказилади.**

**● Тошкент Давлат аграр университети қошидаги Қибрай академик лицейида Тошкент вилоятида жойлашган касб-ҳунар коллежларининг маънавият фани ўқитувчилари учун семинар-кенгаш уюштирилди. Анжуманда маърузалардан сўнг маънавият дарслари ўтилишига доир кинофильм намойиш этилди, қатор ўқитувчилар Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.**

**● Когон туманида «Бухоро-Генч» ўзбек-турк қўшма корхонасининг макарон цехи очилди. Маҳаллий фермер хўжаликларидан олинган хом ашё ҳисобига цехда кунига 60 тонна буғдой қайта ишланмоқда. Ишчилар корхона ҳисобидан бепул овқат ва маҳсулотлар билан таъминланган.**

**● Тошкент вилоятининг Бўка туманида «Ташаббус-2006» танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.**

### ЖАҲОНДА

**● Абхазия Президенти Сергей Багапш парламентдаги маърузасида Абхазиянинг Россия таркибига киришга тайёрлигини билдирди. У Абхазиянинг Россия билан интеграциялашув жараёни ниҳоясига етганини таъкидлади.**

**● Гаитида президентлик сайловлари бўлиб ўтмоқда. Кузатувчиларнинг маълумотича, сайловларда жуда кўп қонун бузилишларига йўл қўйилмоқда. Бинобарин, президентликка номзод Рене Превал номига тушган бюллетенларнинг кўпчилиги йўқ қилинган. Бундан хабар топган сайловчилар кўчаларга чиқиб, оммавий тартибсизликларни вужудга келтирмоқдалар.**

**● Фаластин парламент сайловларида ғалаба қозонган ХАМАС ташкилоти мухторият бошқарувининг масъул лавозимларига ўз вакилларини тайинлашни бошлади. Жумладан, мухторият қонунчилик кенгаши бошлиғи этиб Маҳмуд ал-Захар сайланди. Парламент спикери лавозимига эса Азиз Двейк тайинланди. Қонунчиликка кўра, Азиз Двейк Фаластин раҳбари истеъфога чиққан ёки вафот этган тақдирда унинг вазифасини бажаришга киришади.**

**● Венгриянинг Бач-Кишкун вилоятидаги аҳоли пунктларидан бирида парранда гриппидан нобуд бўлган учта қуш топилган. Айни пайтда вирус топилган ҳудудда карантин эълон қилинган ва аҳоли пунктига борувчи барча йўллар беркитилган. Ҳозирда вирус тарқалишининг олдини олиш юзасидан ҳукумат чора-тадбирлар режасини ишлаб чиққан.**

**● Испанияда ҳайдовчининг иштирокисиз автомобилни жойлаштириш имкониятига эга электрон қурилма кашф этилди. Гап шундаки, машина соҳиби томонидан, фақат уни жойлаштирадиган ернинг тахминий ўрни белгиланса бас, қолган барча ишни компьютер охирига етказади. Қурилманинг нархи — 1000 евро.**

### ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 18 февраль куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-7, кундузи 13-15 даража иссиқ бўлади.

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Учтепа туман ҳокимлигида ўрта махсус ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирокида Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорликларида ташкил этилган «Интеллектуал олимпиада» лойиҳаси доирасида «Сиз тарихни биласизми?» мавзуида уюштирилган кўрик-танловнинг Учтепа туман босқичи бўлиб ўтди.

● **ЭРТАГА** Бектемир туманидаги 290-мактабда «Камолот» ЁИҲ Бектемир туман бўлими ташаббуси билан «Сиз тарихни биласизми?» мавзуида ўтказиладиган кўрик-танловда мактабнинг юқори синф ўқувчилари ва ўқитувчилар иштирок этишади.

● **БУГУН** Чилонзор туманидаги 182-мактабда «Камолот» ЁИҲ туман бўлими ташаббуси билан ўқувчилар ва ўқитувчилар иштирокида уюштирилган тадбир ва концерт томошаси «Бахт учун яша» деб номланди.

● **БУГУН** Сергели туманидаги «Гулистон» маҳалласида фаоллар, ёшлар иштирокида «Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш—давр талаби» мавзуида ўтказилган давра суҳбати «Маънавият ва маърифат» марказининг Сергели туман бўлими ташаббуси билан уюштирилди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги 216-мактабда «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми жамғармаси ҳамкорликларида ташкиллаштирилган «Интеллектуал олимпиада» лойиҳаси доирасида мактаб ўқувчилари ўртасида «Сиз тарихни биласизми?» мавзуида кўрик-танлов уюштирилди.

● **КЕЧАДАН** Мирзо Улуғбек туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари, олий ўқув юртлари қизлари ўртасида ташкил этилган «Ўзбегим ардоқлаган аёллар» мавзуида иншолар танлови эълон қилинди.

● **БУГУН** Юнусобод туманидаги 44-оилавий поликлиникада «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорлигида «Миллий истиқлол ғояси» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**



*Ташаббус — 2006*

## ИШТИЁҚЛАРИ БАЛАНД

**ТАШАББУС КЎРСАТИШНИНГ ЎЗИ БЎЛМАЙДИ. ТАШАББУС, БУ — ИЗЛАНИШ, ТАДБИРКОРЛИК, БИЛИМ ВА МАҲОРАТ САМАРАСИ БЎЛСАГИНА КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЗАДИ. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ "ТАШАББУСНИНГ ҚАНОТИ БОР" ДЕЯ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАНАДИ.**



Кеча Собир Раҳимов туманидаги "ШАРҚ" гузарида мамлакатимизда 10 йилдан буён анъанавий тарзда Президент соврини учун ўтказилиб келинаётган "Ташаббус" кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди. Карнай-сурнай садолари остида байрамона тус олган тадбирни туман ҳокими Бахтиёр Ҳакимов очиб, иқтисодиётимиз ривожига, эл-юрт фаровонлигига муҳим ҳисса қўшаётган тадбиркор ва ҳунармандларга ишонч билдирди. Танловда қатнашаётган барча иштирокчиларнинг изланишлари алоҳида эътироф этилди. Бу йилги кўрик-танлов кўргазмаси ўзига хос тарзда ташкил этилганлиги йиғилганлар эътиборини жалб этди. Саралаб олинган 10 нафар тадбиркор ва 13 нафар ҳунарманд танлов шартларига кўра "Энг яхши ҳунарманд" ва "Энг яхши тадбиркор" номини қўлга киритиш учун билим ва маҳоратларини ишга солишди.

— Шуни беҳад қувонч билан таъкидлаш жоизки, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси Ахборот-маслаҳат маркази бўлим бошлиғи ўринбосари Адиба Каримова, — 2005 йил тадбиркорларимиз учун жуда самарали йил бўлди, тилакларни, изланиш ва янгиликларни юзага чиқарадиган давр бўлди. Негаки ўтган йилда чиқарилган Президентимизнинг қатор Фармон ва Қарорлари тадбиркорлик ривожида беқиёс аҳамиятга эгадир. Шу боис бўлса керак, тадбиркорларга берилган имтиёз ва кафолатлар, ҳуқуқий ҳимоя уларнинг қаноти кенгроқ ёйилишида катта аҳамият касб этди. Собир Раҳимов туманида ҳам тадбиркорлар сафи янада кенгайиб 4000 нафардан зиёдга етди. Шунингдек, туманнинг қўли гул ҳунарманд усталар маскани эканини ҳам алоҳида эътироф этиш жоиз. Бир сўз билан айтганда, бугунги танловимизда ана шу соҳа вакилларининг энг саралари, муваффақият сари дадил интилиб, ўз истиқболини белгилаётганлари иштирок этишмоқда. Шунинг учун ҳам ҳайъат аъзоларининг анчагина тер тўкишларига тўғри келади.

Албатта, танлов иштирокчиларини бир-бир санаб ўтишнинг иложи бўлмасада, аммо "KLAND KON SHARQ" масъулияти чекланган жамиятининг чарм маҳсулотлари импорт ўрнини босишини алоҳида таъкидлаб, "OLMOS-TEKS" масъулияти чекланган жамиятининг экспортбоп момиқлари, етти йўналишдаги тайёрланаётган рақобатбардош товарлари, "NAFIS OLAM" нинг табиий дори воситаларию хусусий тадбиркор Баҳром Аҳмаджоновнинг жаҳон андозалари даражасида ишлаб чиқарилиб, харидорларга етказиб берилаётган соч ювиш воситалари, Рихси Комилова, Муқаддам Қаюмова, Моҳира Усмонова, Файзулла Юсупхўжаев ва бошқа қўли гул ҳунармандларнинг миллий қадриятларимиз, шарқона урф-одатларимиз эъзози бўлган бетакрор буюмлари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотганини айтиш ўринли.

— Танловда биринчи бор иштирок этаяпмиз, — дейди хусусий тадбиркор Баҳром Аҳмаджонов. — Шуниси қувонарлики, бир-биримиздан ўрганадиган жиҳатларимиз жуда кўп экан. Энг асосийси эса ушбу танловда маҳсулотларимизга талаб юқорилигини сездик ва рақобатбардош турларини янада кўпайтиришга аҳд қилдик.

Бажарилган барча шартлар бўйича тадбиркорлар ҳам, ҳунармандлар ҳам ҳайъат аъзолари томонидан холисона баҳолаб борилди. Ва ниҳоят ҳаяжонли лаҳзалар барчанинг диққатини ўзига жалб этди.

Қилинган меҳнат, изланишлар йўлидаги саъй-ҳаркатлар ўз самарасини берди. Туманнинг "Энг яхши тадбиркор"и номига 1-ўринни қўлга киритган "KLAND KON SHARQ" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Абдукарим Абдураҳмонов сазовор бўлди. "OLMOS-TEKS" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Садриддин Исмоилов 2-ўрин ҳамда "ORZU-OSH TUZI" шўъба корхонаси раҳбари Гулчеҳра Саъдуллаева 3-ўринга муносиб топилди.

Ҳунармандчилик йўналиши бўйича эса антиквар (ноёб) мебеллар устаси Бахтиёр Турдиев ғолиб чиқиб, "Энг яхши ҳунарманд" номига сазовор бўлди. Бешик ясовчи ва безовчи уста Рихси Комилова 2-ўрин ҳамда ёғоч ўймакори Файзулла Юсупхўжаев 3-ўрин соҳиби бўлдилар.

Албатта, ғолиблар олқишланди, уларга диплом, Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Биринчи ўрин соҳибларига "ROISON" телевизорлари туҳфа этилди. Энг муҳими эса танловнинг шаҳар босқичига йўлланма олган ғолибларнинг иштиёқлари баланд. Ажабмас, уларнинг ташаббуслари пойтахтда ҳам кенг қулоч ёзса.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: кўрик-танловдан лавҳалар. Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

## ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ШУ ЙИЛ 10 ФЕВРАЛЬ КУНИ БЎЛИБ ЎТГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ЙИҒИЛИШИДАГИ ЧИҚИШИ ХОРИЖДАГИ ЕТАКЧИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА КЕНГ ЁРИТИЛИШИ БАРОБАРИДА СИЁСИЙ АРБОБЛАР, ИҚТИСОДИЙ ШАРҲЛОВЧИЛАР ВА ТАҲЛИЛИЙ МАРКАЗЛАР ТОМОНИДАН КЕНГ ШАРҲЛАНДИ.**

Маърузада ўз ифодасини топган муҳим масалаларга ВВС, "Global Insight" Лондон тадқиқот маркази, Дойче пресс агентур (ДПА), Франс-пресс, ИТАР-ТАСС, Интерфакс ва бошқа таниқли **ахборот агентликлари** ўз ахборотларини бағишлади. Қатор электрон ОАВ маърузанинг тўла ёки қисқартирилган матнини рус ва инглиз тилларида ўз саҳифаларига жойлаштирди.

Ғарб оммавий ахборот воситалари эътибор қаратаётган асосий жиҳат бу — 2005 йилда Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсишда юқори суръатларга эришгани ҳамда етакчи тармоқларнинг ривожланиши, шунингдек, Ғарб бизнеси томонидан мамлакатимизга нисбатан ўсиб бораётган қизиқишдир.

Жумладан, *Британиядаги ВВС* ўз шарҳида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ижобий ўзгаришларга хусусий сектор ҳиссасини кўпайтириш, қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, товар ва хизматлар бозорини либераллаштиришга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар, шунингдек, маъмурий ислоҳотларни ҳаётга кенг тадбиқ этиш туфайли эришилгани ҳақидаги сўзларини келтирган.

Бозор ислоҳотларини рўёбга чиқариш юзасидан тизимли, изчил ва аниқ мақсад кўзланган саъй-ҳаракатлар, мамлакатни модернизациялашнинг пухта ишлаб чиқилган модели Ўзбекистон барқарор иқтисодий ўсишининг натижаси бўлгани алоҳида таъкидланган.

*"Франс-пресс" агентлиги* Президент маърузасида тилга олинган рақамларни, жумладан, 2005 йилда ЯИМ ўсиши – 7 фоизни, саноат ишлаб чиқариши ўсиши – 7,3, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариши ўсиши – 6,2, пул қадрсизланиши – 7,8 фоизни ташкил этгани хусусидаги фикрларни ўз ўқувчиларига етказган. Агентлик шарҳида Президент томонидан 2005 йили Ўзбекистон ташқи савдосида ижобий сальдо ҳажми 1,3 миллиард АҚШ долларини ташкил қилгани баён этилгани ҳам таъкидланади.

Асосий ахборот агентликлари хабарлари орасида Ўзбекистон Президенти маърузасига баҳо берилган ҳолларни кузатиш мумкин. Жумладан, дунё иқтисодий жараёнлари таҳлилига ихтисослашган "Global Insight" Лондон тадқиқот марказининг Интернетдаги саҳифасидан жой олган материалда унга баҳо берар экан, Марказ Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов чиқишидаги асосий жиҳатларни батафсил келтиради. Бунда расмий статистика маълумотлари ҳукумат олдиндан режалаштирган макроиқтисодий кўрсаткичларга мос келиши қайд этилади. Ўзбекистон иқтисодий ривожланиши тўғрисида баён этилган рақамлар ҳаққониятни ифода қилишини "Global Insight" эътироф этган. "Global Insight"нинг башорат этишича, Ўзбекистон ҳукумати 2006 йилга режалаштирган иқтисодий кўрсаткичлар, умуман олганда, амалга ошиши керак. Бунда мамлакат иқтисодий ҳаётининг турли соҳаларидаги ҳуқуқий меъёрларни тадбиқ этиш жараёни изчиллиги қайд этилади.

"Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал ўсиши" — *Дойче пресс агентур (ДПА) немис ахборот агентлиги* Ўзбекистон Президенти маърузаси ҳақидаги мақолани ана шундай номлаган. Унда "2005 йили Ўзбекистон иқтисодиёти жадал суръатларда ўсди" дея қайд этилади. ЯИМ ҳажми 7,0 фоизга ўсгани ҳақидаги рақамлар, ЯИМ ҳажми қарийб 10,6 миллиард еврони ташкил қилгани келтирилади. "Саноат ишлаб чиқариши 7,3% кўпайиб, мамлакатнинг пахта етиштиришга қарамлигини қисқартирди. Ташқи савдода 1,08 миллиард евро миқдорида ижобий сальдога эришилди. Ўзбекистон Марказий Осиё барқарорлиги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга", деб ёзади агентлик.

*"Доу Жонс" агентлиги (ГФР)* "Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни давом эттирмоқда" сарлавҳали хабар тарқатди. Унда айнан қуйидаги сатрлар бор: "Ўзбекистон ўтган йили иқтисодий ислоҳотларни давом эттирди. Марказий Осиёдаги бу республиканинг Берлиндаги элчихонаси тарқатган матбуот-релизига кўра, Ўзбекистонда барқарор иқтисодий тараққиётнинг муҳим асослари кузатилмоқда. Чунончи, 2005 йилда мамлакат ЯИМ 7 фоизга, саноат ишлаб чиқариши 7,3 фоизга ҳамда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариши 17,7 фоизга ўсди. Ташқи савдо ҳажмининг ижобий сальдоси 1,3 миллиард АҚШ долларидан ошди.

Бундай салмоқли ўсиш суръатларини сақлаб қолаётган Ўзбекистон Марказий Осиёдаги аҳолиси энг зич жойлашган мамлакат сифатида хорижий сармоядорлар учун янада жозибадор бўлиб бормоқда, шу билан бирга у иқтисодий шерикчилик ва замонавий технологияларни жорий этиш соҳасидаги ҳамкорлик учун беқиёс салоҳият соҳибига айланиб бормоқда.

Ўзбекистон ҳукуматининг саъй-ҳаракатлари мамлакатда халқаро кооперация учун зарур шарт-шароитларни яратишга йўналтирилгандир. 1991 йили мустақилликка эришганидан буён Ўзбекистон Германиянинг минтақадаги энг муҳим савдо ва иқтисодий ҳамкорларидан бирига айланди. Ҳозирги пайтда 55 дан зиёд немис компанияси ва 4 та йирик банк Ўзбекистонда ўз ваколатхоналарига эга. 30 дан ортиқ немис компанияси умумий қиймати 500 миллион еврони ташкил этадиган турли сармоявий лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этмоқда. Шу билан бирга, Германия ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо ҳамда сармоявий салоҳият салмоғи ҳали чексиздир".

*(Давоми 2-бетда)*

# ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

**Европалик экспертлар** ўз баҳоларида иқтисодиётни эркинлаштириш ва хусусий секторни ривожлантиришда эришилган натижаларга алоҳида эътибор қаратдилар. *Германия Федерал иқтисодиёт ва технологиялар вазирлигининг вазирликлараро экспортни молиялаштириш қўмитасининг раиси Ханс-Йахим Хенкелнинг таъкидлашича,* маърузада айтиб ўтилган иқтисодий ўсиш ва иқтисодиёт ривожининг ижобий кўрсаткичлари шунингдек республикада амалга оширилаётган интенсив ислоҳотлар йўли ОЭСР таснифи бўйича Ўзбекистоннинг рейтинг кўрсаткичини ошириш учун асос бўла олади.

*Франция парламенти фахрий аъзоси, "UMP" ҳукмрон партиясининг дипломатия маслахатчиси Оливье Стирн* Европа мамлакатларида кичик ва ўрта корхоналар сектори иқтисодиётнинг салмоқли қисмини ташкил этишини таъкидлади. Шу маънода у 2005 йил Ўзбекистонда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда бурилиш ясаганини яхши аломат, деб ҳисоблайди. Бу, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш учун ҳам хизмат қилади.

Унинг фикрича, назорат қилувчи органларнинг корхоналар фаолиятига аралашуви камайгани, хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқ доирасининг кенгайтирилгани муҳим аҳамият касб этиб, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш мантиқига тўла жавоб беради. У, шунингдек, Ўзбекистон экспортида тайёр маҳсулот ҳажмининг ортиб бораётгани мамлакатнинг йирик илмий-саноат салоҳиятидан далолат беришини айтиб ўтди.

*Брюссель — пойтахт ҳудуди ҳукуматининг Ташқи иқтисодий алоқалар департаменти директори В.Де.Кук* Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов маърузасини катта қизиқиш билан ўқиганини қайд этар экан, Ўзбекистоннинг 2005 йилдаги иқтисодий кўрсаткичлари ва мамлакатнинг 2006 йилдаги иқтисодий ривожланиши истиқболларини юқори баҳолади. В.Де.Кук Брюссель - пойтахт ҳудуди ҳукумати айни пайтда 2007 йил тадбирлари режаси устида иш олиб бораётганини таъкидлади. Шу муносабат билан у Ўзбекистон Президенти маърузаси Бельгиянинг яқин йилларда Ўзбекистон билан ҳамкорлигини янада ривожлантириш юзасидан муштарак ташаббусларни тақдим этиш учун Валлония ва Фландрия ҳудудларидаги ҳамкасблари ишончларини мустаҳкамлаш борасида муҳим ҳужжат эканлигини қайд этди. Шу ўринда В.Де Кук Брюссель - пойтахт ҳудуди ҳукуматининг Валлония экспорт агентлиги ва Фламандия савдо ва сармоялар агентлиги иштирокида Ўзбекистон билан ўзаро ташрифларни ташкил этиш, семинар ва бошқа тадбирларни ўтказиш орқали ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканлигини таъкидлади.

Бельгиянинг *"ЭНЕКС процесс инжениринг" компанияси директори К.Мин* ўз шарҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси бўйича амалга оширилган тизимли ўзгаришлар изчил ҳаракат режаси борлигини ҳамда барқарор иқтисодий ўсишни фақат иқтисодиёти глобал бозорда фаол иштирок этаётган давлатларгина таъминлай олишининг ёрқин тушунчаси мавжуд эканлигини намоён этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти маърузаси билан танишган ҳар бир бизнесмен унинг сиёсатининг изчиллиги ва донолигини юқори баҳолайди, деб таъкидлади К.Мин. Президент И.А.Каримов мамлакатдаги иқтисодий вазиятни чуқур таҳлил этиш билан бирга ислоҳотларни янада чуқурлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади, амалга ошириш муддатларини белгилайди. Бельгиялик тадбиркорнинг фикрича, етакчиликнинг бундай шакли Ўзбекистон иқтисодиёти ўсишини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган самарали ва ўз вақтида жорий қилинган чора-тадбирлар кафолатини таъминлайди.

К.Мин юридик шахслар даромадидан олинадиган солиқни янада камайтириш масаласи бўйича Ўзбекистон ҳукуматининг қатъий чораларини алоҳида кўрсатди. Марказда ва жойларда назорат тизимлари ва бошқарув идоралари амал қилиши ва бошқаруви самарадорлигини таъминлайдиган маъмурий ислоҳотлар билан биргаликда ушбу чора мамлакатда қулай бизнес муҳитини шакллантириш учун замин яратади.

*Австрия Федерал иқтисодий палатасининг вице-президенти Р.Шенц* 2005 йил ноябрида австриялик бизнесменлар ҳайъати бошчилигида Ўзбекистонга ташриф буюриш ва республикада амалга оширилаётган улкан ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар билан шахсан танишиш имконига эга бўлгани боис Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишининг умидбахш истиқболларига тўла ишонишини изҳор этди. У Ўзбекистоннинг "собиқ шўролар ҳудудидаги иқтисодиёти бир қадар барқарор ривожланиб бораётган мамлакатлар" сирасига киришини алоҳида таъкидлади. Р. Шенцнинг фикрича, республикада мавжуд бўлган бой ресурслар базаси, катта сиёсий салоҳият ва ривожланган инфратузилма давлатнинг вазмин иқтисодий сиёсати билан ҳамоҳанг эканлиги бундан кейинги иқтисодий ўсишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Р.Шенц иқтисодий соҳада давлат идоралари ваколатларини белгилаш ва фаоллаштириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашишларни чеклаш бўйича Ўзбекистон раҳбарияти ташаббуси билан амалга оширилаётган чора - тадбирларни юқори баҳолади. У, шунингдек, тадбиркорлик маданияти, иқтисодиётнинг турли соҳаларида хусусий тадбиркорлар ва маблағларнинг иштироки учун рақобатчилик заминини яратиш муҳимлигини ҳам қайд этди. Р. Шенцнинг фикрига кўра, минтақавий ва халқаро иқтисодий бирлашмаларда иштирок этиш орқали мамлакатнинг глобал иқтисодиётга янада интеграциялашуви Ўзбекистон иқтисодиёти бундан кейинги ўсишининг муҳим шартидир. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига қўшилишининг муҳим ва долзарблиги ҳам таъкидланди.

*«Евроосиё гуруҳи» халқаро таҳлил марказининг эксперти Каан Назли* 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга йўналтирилган устувор йўналишлар Ўзбекистон Президенти томонидан белгилаб берилгани мамлакатнинг аниқ мақсад билан бозор иқтисодиёти сари ҳаракатланаётганидан яна бир карра гувоҳлик беришини айтди. Давлат олдига қўйилган жорий йилдаги устувор ижтимоий-иқтисодий вазифаларни рўёбга чиқариш Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлашда, хусусан, бюджет секторида ижобий натижаларга эришишда муҳим аҳамият касб этади.

*Исроил яҳудий университети ҳузуридаги Осиё ва Африка мамлакатлари институтининг эксперти доктор Владимир Месамед*нинг ҳисоблашича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маърузасида берилган баҳолар вазмин ва баёнлар аниқ далиллар асосидадир. Янги йилда кутилаётган кўрсаткичлар ҳамда иқтисодиёт ислоҳотининг асосий йўналишлари яқинда ортда қолган йилдаги ниҳоятда жиддий ютуқларга таянади. Аёнки, эришилган муваффақиятлар кишини келажакка ишонч билан қарашга ундайди. Режалаштирилган кўрсаткичлардан ўзиб кетган ўсишнинг юқори суръатлари Ўзбекистон ривожланишининг иқтисодий стратегияси волюнтаристик равишда эмас, балки у чуқур ижтимоий-иқтисодий таҳлилга таянгани ишонарлилигини кўрсатади.

Хорижий матбуот, расмий ва экспертлар гуруҳи томонидан билдирилаётган фикр-мулоҳазаларнинг дастлабки таҳлили Ўзбекистонда бораётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларга қизиқиш катта эканлигини ва мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотларни чет эллик кузатувчилар ижобий баҳолаётганини кўрсатади.

**"Жаҳон" АА**

# ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ "ТЕЗЮРАР ПОЕЗДИ"

**ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИДА ЖОРИЙ ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРДИ.**

Мазкур устуворликлар иқтисодиёт соҳасида 2005 йилда эришилган натижаларнинг мустаҳкам асосига, яъни ЯИМ ўсиш суръати, саноат ишлаб чиқариши ва истеъмол ҳажмининг ўсишига таяниб, Ўзбекистонни Осиёнинг энг фаол мамлакатлари қаторига қўяди. Буларнинг барчаси сўнгги йилларда Ислом Каримов томонидан таклиф этилган сиёсий ва институтционал ислоҳотлар мамлакатни ривожлантиришга кўмаклашаётганидан далолат бериши баробарида мамлакат иқтисодиётининг конструктив тизимли трансформациясига ўз таъсирини ҳам кўрсатмоқда.

Хитой ва Ҳиндистон бошчилик қилаётган Осиё поездида Ўзбекистон энг тезкор, ишончли ва илғор вагонлардан бирига ўхшайди.

Иқтисодиётни либераллаштириш борасидаги чора-тадбирлар Европа Ҳамжамияти билан биргаликда амалга оширилаётган янги лойиҳалар томонидан қўллаб-қувватланган ҳолда 2005 йилда жуда яхши натижалар бериб, иқтисодий ўсиш суръатини тезлаштирди, савдо, саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги маҳсулот ўсишини таъминлашда тобора каттароқ аҳамият касб этаётган кичик ва ўрта корхоналар тизимини ўз ортидан эргаштирди.

2005 йил натижаларига таянган ҳолда ҳукумат айни пайтда солиқ ва бюджет ислоҳотидан тортиб, иқтисодиётни мажмуавий замонавийлаштириш сингари кенг миқёсли масалалар доирасини қамраб олувчи янги устуворликларни белгилади.

Ҳукумат томонидан белгиланган энг муҳим устуворликлар орасида хусусий мулкчиликни ривожлантириш, меҳнат бандлигини ошириш ва экспорт ҳамда жамғармалар ҳажмини кўпайтириш йўлидаги ташкилий жараёнларни тезлаштириш муҳим ўрин тутади. Қурилиш ва коммунал хизматлар соҳасидаги ислоҳотлар фаровонликни ошириш ва мамлакатнинг барча ҳудудларини, шу жумладан, қишлоқ аҳоли пунктлари, шаҳар марказидан узоқда жойлашган ҳудудларни ривожлантиришни кўзда тутаётгани аниқ.

Буларнинг барчаси Ўрта Осиё минтақасида тобора илғор ўринларни эгаллаётган ва Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг янги аъзоси сифатида муҳим аҳамият касб этиши лозим бўлган мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти учун қулай шароит яратишга қаратилган.

Президент Ислом Каримов осиёлик гигантлар билан бўлгани каби Европа гигантлари билан ҳам сиёсий ва иқтисодий муносабатларни янада қатъий мустаҳкамламоқдаки, улар қадимий цивилизация ва маданиятга эга бўлган Ўзбекистонга геоиқтисодий алмашувлар имконияти ҳамда икки кўҳна цивилизация ўчоқлари ўртасидаги мулоқотлар боис, шунингдек, ўтган асрлар давомидаги иқтисодий ўсишлар ва босқичлар туфайли ҳамиша назар солиб келган.

**Антонио ЛОКЕ,**
**Италия Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Осиё ва Ўрта ер денгизи мамлакатлари институтининг Бош котиби**

# ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН
# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## СЎНГГИ ПУШАЙМОН...

Тушлик вақти бўлгани учун ошхонага кирдим. Ошпазимиз Абдурайим хушмуомала, пазанда йигит.

— Бугун қандай овқат тановул қиласиз? — салом-аликдан сўнг сўради ошпазимиз.

— Шўрвангни мазза қилиб ичаман. Дарвоқе, битта нон билан чой ҳам берарсан, — жавоб қилдим.

Эндигина иштаҳа билан овқатланаётганимда қорачадан келган, қирқ беш ёшлардаги бир киши ёнимга келиб ўтирди.

— Ассалому алайкум, жой банд эмасми?

Алик олгач, бемалол овқатланиши мумкинлигини айтдим.

Ҳалиги киши ҳам ўзига егулик буюрди-да, менга юзланди.

— Сиз Зийрак бобо бўласиз-а?

— Ҳа, мен Зийрак бобоман.

Ҳамроҳим чуқур хўрсинди. Менга айтадиган қандайдир гаплари бору, аммо гапиришга ботина олмаётгандек туюлди.

— Гапираверинг укам. Нима гап? — далда бердим.

— Сиз билан суҳбатлашиш, маслаҳатингизни олиш ниятида ўйлай-ўйлай бу ерга келдим-да, бобо.

Ҳамроҳим бироз жимиб қолди. Камина ҳам унинг хаёлини бўлмасликка аҳд қилдим.

— Фарзанд тарбияси оғир экан Зийрак бобо, — суҳбатдошим гап бошлади, — яккаю-ёлғиз ўғлимни емай едирдим, киймай кийдирдим, нима сўраса шуни муҳайё қилдим. Оқибатда у тантиқ, эркатой, худбин бўлиб вояга етди. Куни кечагина ғирт маст бўлиб олиб мени калтаклади, бобо.

Бу ҳикояни эшитарканман, очиғи баданим жимирлашиб кетди. Суҳбатдошимга бир раҳмим келди, бир ундан жаҳлим чиқди.

— Хафа бўлманг. Мастликда эркаклик қилгандирда. Мени айтди дерсиз, эрта-индин кечирим сўрайди, — тасалли бермоқчи бўлдим.

— Тасалли бермай қўя қолинг. Фақат, мана шу ҳикоямни газетада эълон қилинг, токи бошқа ота-оналарга ибрат бўлсин, — деди-да суҳбатдошим сўзини давом эттирди. — Мени калтаклаганига ҳам бир томомондан хурсанд бўлдим. Нега деганда ўзим ҳам эркалик билан вояга етганман, отамни бир марта мастликда урганман. Шу боис ҳам Худо жазолади. Ўша қилмишим ўғлимдан қайтди бобожон, — суҳбатдошим кўзига ёш олди-да, — буни газетада эълон қилинг, ҳамшаҳарларимиз фарзанд тарбиясига жиддий муносабатда бўлишсин, — дея ҳикоясини тугатди.

Хуллас, Қодиржон билан узоқ суҳбатлашдик, қўлимиздан келганича унга яхши гаплар айтишга, кўнглини кўтаришга интилдик. У билан хайрлашар эканмиз, "жаннатнинг калити оналарнинг оёғи остидадир", деган ҳикмат ёдимизга келди. Биз эса нафақат онани, балки отани ҳам хафа қилиб бўлмаслигини, бундай воқеа сабаб болани Яратган албатта жазолаши муқаррарлигини таъкидлаган ҳолда ушбу мақолага нуқта қўйдик.

## ЭЪТИРОЗГА ЎРИН ҚОЛМАСИН

Неварам Зилола иккинчи синфда ўқийди. Бирам бижир-бижир, бирам маҳмадона. Мен билан суҳбатлашишни яхши кўради. Унга эртаклар айтиб бераман, кўпинча бирга дарс қиламиз. Зеҳни ўткир, ҳар нарсага қизиқувчан бўлганлигиданми, кутилмаган саволларни бераверади, баъзан жавоб беришга ҳам қийналади киши.

Кунларнинг бирида Зилола билан дарс қилиш жараёнида қизиқ воқеанинг гувоҳи бўлдим. "Ўқиш китоби" дарслигидаги эртакни тушунтириб бераётганимда унинг хаёли паришон эканлигини пайқаб қолдим. Чунки менинг сўзларим Зилоланинг қулоғига кирмас, дафтарнинг устидаги қандайдир расмни томоша қилиб ўтирарди.

— Бобожон, мана бу расмдаги кишини танийсизми? — сўраб қолди Зилола.

— Қайси расмни айтяпсан, қизалоғим? — сўрадим ундан. Шунда у "Ўқиш китоби" учун тутган дафтарини кўрсатди. Не кўз билан кўрайки, дафтарнинг усти муқоваси Ҳиндистон киноактёри Шоҳруҳхоннинг сурати билан безатилган, ушбу дафтарда ҳинд актёрининг қайсидир фильмда ижро этган роли акс эттирилган эди. Гап бу ёқда эканда, — ўйладим ичимда. Неварамнинг бошқа дафтарларини ҳам кўрдим. Қизиғи, ҳар бир дафтарда қайсидир актёр ёки хонанданинг расми бўлиб, жуда чиройли безатилган, сифатига ҳам гап йўқ. Бироқ бу ҳолат ёшларга салбий таъсир кўрсатишини, ўқувчи бундай суратларга чалғиб, фанларни яхши ўзлаштира олмай қолишини матбаа соҳаси ходимлари тушунмаганликларига бироз ҳайрон ҳам бўлдим. Тўғри, ҳозир бозор иқтисодиёти даври. Ҳар бир тадбиркор ўз маҳсулотининг харидоргир бўлишини, яхшигина даромад кўришини хоҳлайди. Лекин, маънавий тарбияга зид ҳар хил расмларни кўрган боланинг хаёли чалғиб, фанларни ўзлаштириши қийин бўлишини ҳам ўйлаб кўрадиган вақт етиб келганлигини тушуниш лозим. Кечқурун неварамнинг ота-онасига ҳам роса танбеҳ бердим. Ўғлим билан келиним имкони борича бундай дафтар олиб келмасликка ваъда беришди.

Эртаси куни дафтарларни кўздан кечирмоқ мақсадида шаҳримиздаги китоб дўконларига йўл олдим. Шукрки, ўқувчилар учун ўқув қуроллари, дарсликлар, дафтарлар етарли. Хоҳлаганингизни олаверасиз. Фақат қаерни кузатмай ўқувчининг хаёлини бўладиган, турли хил расмлар чоп этилган дафтарларга кўзим тушаверди. Бирининг муқовасида Илҳом Фармонов, бириникида Севара Назархон, бошқасида Шоҳруҳхоннинг расмлари туширилган.

Дарвоқе, камина юқорида номлари келтирилган санъаткорларнинг қобилиятларига, эл севган қўшиқларию, маҳоратларига тан беришимни эслатган ҳолда матбаачиларга қарата шундай демоқни жоиз деб билдим. Назаримизда дафтарлар муқовасида Алишер Навоий, Беруний, Бобур, Ойбек, Ғафур Ғулом сингари алломаларимизнинг расмлари, ўқувчиларни ибратга чорловчи рубоийларию, ҳикматлари чоп этилса яхши бўларди. Катак дафтарларнинг орқа муқовасида эса карра жадвали, Пифагор теоремаси берилса айни муддао бўларди.

Хулоса ўрнида боланинг маънавиятини юксалтириш муҳим масала эканлигини яна бир карра эслатган ҳолда, матбаачиларимизга эътирозлар бўлмасин, деймиз.

# ОЗ-ОЗ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУР...

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Заковатли уқади, билимли билади,**
**Билимли, заковатли тилакка етади.**

**Юсуф Хос ҲОЖИБ**

Ҳар кишининг руҳи илм бирла қувватланса, шафқатли ва бетамаъ бўлур.

**Сидқий ХОНДОЙЛИҚИЙ**

**Одамга фақат ҳусн эрур рўйига зеб,**
**Ботинда жамил ўлмаса, бу ҳусн бекор.**

**Дилшоди БАРНО**

Сайри жаҳон қилинг, сувга ўхшаб. У доим оқишдадур — тоза ва хушдур ва агар бир ерда кўп тўхтаб қолса, бадбўй бўлур.

**Муҳаммад Сиддиқ РУШДИЙ**

Амалсиз илм — мевасиз ёғоч.

**«ОТАЛАР СЎЗИ»**

**Ҳамма эзгуликлар билим туфайлидир.**
**Билим туфайли гўё кўкка йўл топилади.**
**Сўз бўз ерга яшил кўкдан тушди,**
**Сўзи туфайли инсон ўзини улуғ қилди.**

**Юсуф Хос ҲОЖИБ**

Борди-ю кишининг учта фарзанди бўлса, ҳар учовига ҳам илм ўргатгани яхши. Агар бундай имкониятга эга бўлмаса, биттасига илм ўргатсин, биттасига ҳунар ва яна биттасига зироат ёки тижорат ўргатсин. Умуман, уларни бирор фойдали иш билан машғул қилиш, нобакор ва қабиҳ кишилар билан улфат, ҳамсуҳбат бўлишидан қайтариш керак.

**Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-ЖОМИЙ**

**Эй келди фунуни илм таслим санга,**
**Қилмоқ анга лозим бўлди таъзим санга.**
**Гарчи йўқ эрди қувват оёқимда, вале,**
**Келдим бош ила олғали таълим санга.**

**ОГАҲИЙ**

Яхши хислат жаҳонда олий мартаба ва юксак даражага етказувчидир. Аммо бунга етишиш воситаси илм ва одоб бойлигидир.

**Илм саодатга йўлловчи машъал,**
**Жоҳиллик ўлимга бошлар ҳар маҳал.**

Қитъа:

**Билим кишиларни улуғвор қилар,**
**Одамдан кетмайди то у ўлгунча.**
**Олтин, кумуш билан керилма зинҳор,**
**Бу иззат олтину кумуш тургунча.**

**Муиниддин ЖУВАЙНИЙ**

Олимлар қалами шаҳид қонидан муқаддас.

**ҲАДИС**

Китоб— барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақлидрокнинг, илму донишнинг асосидир. Ҳаётни ўргатувчи мураббийдир.

**«Амир ТЕМУР ўгитлари»**

Садақанинг афзали мусулмон кишининг илм ўрганиб, сўнг бошқа мусулмон биродарларига ҳам ўргатишидир.

**ҲАДИС**

**Илму фан уйига юборинглар болангизни,**
**Анда ўқуганлар бори яктои жаҳондир.**

**Аваз ЎТАР**

**Дунёни билмакка идрокинг гаров,**
**Зеҳн қўймоққа дили покинг гаров.**
**Яхши иш қилмоқ учун йўқса ўқув,**
**Санга лозимдур уқув бирлан ўқув.**

**Анбар ОТИН**

Илмнинг чеки йўқ, қанча кўп ўқисанг, билмаган нарсаларинг шунчалик кўпаяверади.

**«ФАВОКИҲ АЛ-ЖУЛАСО»**

**Ҳар кишида илму санъат бордур,**
**Бахту давлат ул кишига ёрдур.**

**КАМИЙ**

Илм ва ҳунар ўрганиш инсон учун энг зарур нарсалардан ҳисобланади. Ҳар қандай нарсанинг моҳиятини англаш, жаҳондаги воқеаларнинг яхши-ёмон томонини билиб олиш, одамларнинг қадру қимматини тўғри тушуниш, оиланинг фаровон яшашини тўғри ташкил этиш, қисқаси, ҳар томонлама мукаммал бўлиш учун илм ва ҳунар ўрганиш зарурий эҳтиёжлардан биридир.

**Фахрулбанот СУЛАЙМОНИЙ**

**Оз-оз ўрганиб доно бўлур,**
**Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.**

**НАВОИЙ**

Фойдали бирор нарса ёзадиган бўлсанг, шундай хат билан ёзки, токи уни осон ўқиб, тезроқ фойда олиш имконияти бўлсин. Қандай фойдали нарсани ёдлаб олган бўлсанг, шундай тушуниб ёдлаки, токи уни қайтариб ёзиш ва тушунтириш имконига эга бўлгин. Қалам сўз элчиси ҳисобланади, ёзув эса қўлнинг тилидир.

**"ФАВОКИҲ АЛ-ЖУЛАСО"**

**Ҳаял айламанглар, ўқунг муттасил,**
**Ўтар кўз юмуб-очгунча ою йил.**

**РОҚИМ**

**Қилмаган илм сари кимса назар,**
**Халқ беҳуд касб майл айлар.**
**Қолмади ҳеч қадри илму ҳунар,**
**Кўрди беилм қавм неча зарар.**

**КАМИЙ**

**Билмаганни сўраб ўрганган олим,**
**Орланиб сўрамаган ўзига золим.**

**НАВОИЙ**

Устоз ва муаллимлар ҳурматини ўрнига қўйганлар бу дунёда ҳам, охиратда ҳам саодат топар.

**КОШИФИЙ**

**Илм асосига қурилмаган улуғликнинг охири хорликдир.**

**Нодон агар улуғ бўлса унга кўнгил боғлама,**
**Чунки амал нодон билан боқий эмас жаҳонда.**
**Чарох ҳеч қачон жоҳилларнинг амалини билмайди,**
**Қора чоҳга тиқар уни, қўймас бир кун омонда.**
**Кишини йилқидан билим фарқлади,**
**Билим билан инсон мартабали бўлди.**
**Заковатли киши гўзал ва тил-сўзи тўғри,**
**Ва тамоми қилиқлари тугал — тўкис бўлади.**

**Юсуф Хос ҲОЖИБ**

Ҳалол касбдан чарчаб ухлаган одам гуноҳлари кечирилган ҳолда тунайди.

**ҲАДИС**

Тўрт нарса саодат далилидир: тўғри сўз, тавозеъ, ҳалол касбу ҳунардаги меҳнат, сир сақлаш.

**КОШИФИЙ**

**Илм, Навоий сенга мақсуд бил,**
**Эмдики, илм ўлди, амал айлагил.**

**НАВОИЙ**

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ,**
**Ҳамиджон ҲОМИДИЙ**
**тайёрлашган**

